


Коррупция нима ўзи, уни вужудга келтирувчи омиллар-чи?

Коррупция нима ўзи, уни вужудга келтирувчи омиллар-чи?



Халқ тилида соддагина қилиб коррупция дейиладиган атама давлатчилик тараққиётига, ислохотлар ривожига жиддий тўсиқ бўларкан, бас уни келтириб чиқарувчи сабаблар ва унга қарши курашиш чораларидан хабардор бўлишимиз

зарур.

Коррупция нима ўзи?

Қонунчилик ҳужжатларига кўра “Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкӣ йўсинда, ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида, ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоӣ ҳодисадир.

Аслида коррупция бирор мансабдор шахснинг қонунчилик ва ахлоққа зид равишда ўзининг бошқарув ваколатлари ва ҳуқуқларидан шахсий манфаатлар мақсадида фойда олишидир.

Айнан коррупциянинг мавжудлиги жамият ва давлатчилик тараққиётидаги ривожланиш кўрсаткичларига энг катта салбий тўлқинларни олиб кирувчи омил ҳисобланади.

Коррупция илдизлари нималарга тақалади?

Унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, коррупцияга қарши курашнинг самарали йўлларини топиш бўйича минглаб турли хил тадқиқотлар ўтказилган, кўплаб ҳар хил рейтинглар тузилиб, турли кўрсаткич ва рақамлар қайд этилган жадваллар ҳам яратилган, бироқ ҳанузгача барча миллатлар учун коррупцияга қарши курашишда асқотадиган ягона ечим йўқ.

Коррупциянинг келиб чиқиши инсоннинг нафси билан боғлиқми? Албатта, бизнинг бу эҳтимолимиз ҳам бежиз эмас. Инсоният пайдо бўлган замондан буён унинг нафси бор, нафсни жиловлаш имкони бўлмаса, суиистеъмолчиликлар бўлади.

Тадқиқотчилар фикрича, коррупциянинг пайдо бўлишига асосий сабаблар сифатида дастлаб иқтисодий сабаблар, кейинги ўринларда эса ҳуқуқий ва институционал сабаблар, энг сўнггида эса ижтимоӣ сабаблар ва жамиятдаги муҳит, яъни бунда аҳолининг ҳуқуқий билими, маданият даражаси, маънавияти, уюшқоқлиги ва жамоат фаоллигининг пастлиги каби омиллар ўз таъсирини кўрсатиши таъкидланган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар ана шу ҳодиса яшаб турган жамият яратган тизимнинг носоғлом яшашида намоён бўлади.

Шеробод туманлараро иқтисодий суди судьяси: У. У. Тожиев